



## Q O' S H M A Q A R O R I

Navoiy sh. Xalqlar Do'stligi k. 77A-uy

«14» Ноябрь 2015 y(r). № Қ-171

Navoiy sh. Navoiy k. 7-uy

«14» Ноябрь 2015 y(r). № Б/243

Дунёда содир бўлаётган террористик-қўпоровчилик актлари, шу жумладан куни кеча Франция давлати пойтахти Париж шаҳрининг етти жойида террорчилик ҳаракатлари содир этилиб тинч аҳоли ўртасида қурбонлар сони 150 тага яқин ва 250 тадан ортиқ фуқаролар жароҳатланган. Бу каби ҳаракат ва ҳолатларни Мамлакатимизда содир бўлишини олдини олиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ички ишлар вазирининг 2015 йил 14 ноябрь кунги кўрсатмалари ижросини таъминлаш борасида зарур бўлган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида:

1. Вилоятимизнинг барча ҳудудларида, айниқса чекка аҳоли пунктлари, чегара ҳудудларида кечаю-кундуз узлуксиз хушёрлик, сезгирлик, огоҳликни кескин кучайтириш.

2. Шаҳар, туман ҳокимликлари ва ички ишлар бўлимларида ҳудудда хавфсизликни таъминлашга қаратилган кенгайтирилган махсус йиғилишлар ўтказиш ҳамда ушбу йиғилишларга ҳудудлардаги барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари иштирокини таъминлаш.

3. Ҳар бир корхона, ташкилот, ўқув муассасалари, касалхоналар, қишлоқ, маҳалла ва овул фуқаролар йиғинлари, “Камолот” ЁИХ, автотранспорт хўжалиги корхоналари раҳбарлари алоҳида йиғилишлар ташкиллаштириб, жамоасидаги ишчи-хизматчи ва аҳолини шу кеча-кундузда дунёда содир бўлаётган кўнгилсиз ҳодиса ва воқеалар ҳақида тўлиқ хабардор қилиш.

4. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди (Исоқов), вилоят “Нуроний” жамғармаси (Норов), “Камолот” ЁИХ (Ходжаев) вилоят Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда вилоятдаги барча таълим муассасалари раҳбарлари (Санакулов, Ибраимов, Мусаев, Рўзикулов)га:

маҳаллаларда барча тоифадаги аҳоли, айниқса ёшларнинг мафкуравий огоҳлигини таъминлаш тадбирларини ўтказиш;

барча таълим муассасаларида ота-оналар иштирокида дунёдаги вазият, мафкуравий хуружларнинг моҳиятини тушунтириш бўйича тегишли тадбирлар ўтказиб, ўқувчи ва талабаларнинг давомати назоратини кучайтириш.

5. Вилоят ҳудудидаги барча тоифадаги ташкилотлар, таълим муассасалари ҳамда қишлоқ, маҳалла, овул фуқаролар йиғинларида кечаю-кундуз навбатчилик ташкил қилиб, ушбу объектларга кириб чиқилишини қаттиқ назоратга олиниши, яъни корхона раҳбари рухсатсиз бегона шахсларни киришини таъқиқлаш;

6. Тунги вақтларда барча корхона-ташкилотда қоровуллик қилаётган ходимларнинг масъулиятини ошириш, бунинг учун тунги вақтларда тўсатдан уларнинг фаолиятини текшириб бориш;

7. Аҳоли кўп тўпланадиган жойлар (бозорлар, автошоҳбекатлар, темир йўл вокзали, кафе, бар, ресторан, чойхона, касалхоналар), оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда (стадион, тўйхоналар, мавсумий парклар, кинотеатрлар ва.ҳ.к.) асосий эътибор шубҳали фуқаролар, транспорт воситалари ҳамда қолдириб кетилган буюмларга алоҳида эътибор қаратиб, шубҳали ҳолатлар маълум бўлганда зудлик билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга хабар қилиш;

8. Имом-хатиблар томонидан барча масжидларга келадиган фуқаролар билан тушунтириш ишларини олиб бориш;

9. Туман (шаҳар) ҳокимликлари, “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг жойлардаги бўлинмалари билан ҳамкорликда аҳолининг ҳушёрлигини оширишга қаратилган кенг қамровли тушунтириш-тарғибот ишлари амалга оширилишини ташкиллаштириш;

бузғунчилик ғояси билан вилоятдаги вазиятни издан чиқаришга қаратилган ҳаракатларга йўл қўймаслик мақсадида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолларини тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларга жалб этиш ҳамда бу борада огоҳлик юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш.

10. Вилоят Ички ишлар бошқармаси, шаҳар, туман ҳокимликлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда шаҳар ва туман марказлари, барча аҳоли пунктларида паспорт-виза режимини ўтказиш тадбирлари жараёнларида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш қоидаларини бузган, жиноий мақсадларни кўзлаган шубҳали ва тасодифий ҳамда диний-экстремистик ва террористик ташкилотларга ёлланган шахсларни аниқлаш тадбирларини мунтазам амалга ошириш, ободонлаштириш ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ишларини ниҳоясига етказиш.

11. Туман (шаҳар) Ички ишлар бўлимларининг профилактика хизмати ходимлари уй-жой коммунал хўжалиги ташкилотлари билан биргаликда барча кўп қаватли уйларнинг ертўла ва том қисмларининг ёпиқлигини қайтадан кўрикдан ўтказиш, ҳар бир ҳудуддаги аниқ яшаш манзили бўлмаган, шунингдек ахлат ва чиқиндиларни йиғиб кун кўраётган шахсларни рўйхатга олиб, улар билан профилактик тушунтириш ишларини олиб бориш.

12. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди (Исоқов) жойлардаги қишлоқ, маҳалла ва овул фуқаролар йиғинлари ҳамда ички ишлар идораларининг ҳудудий профилактика хизмати ходимлари билан биргаликда:

доимий яшаш жойидан узоқ муддатга турли сабабларга кўра чиқиб кетган ва қайтиб келган шахслар тўғрисида ҳамда уларнинг турмуш тарзидаги ўзгаришлар тўғрисида зудлик билан ҳуқуқ тартибот идораларига маълумотлар бериш;

чет элга узоқ муддатга чиқиб кетган ва узоқ муддат чет элда бўлиб қайтиб келган фуқароларнинг оилаларига кенг жамоатчилик иштирокида, ўрнатилган тартибда профилактик тадбирлар амалга оширилиши ва бундай оилалар билан тегишли тарзда ишлашни алоҳида назоратга олиш.

13. Барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига:

оммавий, сиёсий-ижтимоий тадбирларни ўтказишни фақатгина ҳудудий ички ишлар идоралари билан келишилган ҳолда ташкиллаштириш;

ўзлари раҳбарлик қилаётган бино ва иншоотларнинг атрофлари (периметр)га видео кузатув ускуналарини ўрнатиш тавсия этилсин.

14. Туман (шаҳар) ҳокимликлари, вилоятдаги барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, жойлардаги Ички ишлар идорлари амалга оширилган ишлар юзасидан кунлик маълумотларни вилоят ҳокимлиги ва ички ишлар бошқармасига ёзма равишда бериб борсинлар.



15. Ушбу қўшма қарорда белгиланган барча тадбирларни бажаришга давлат бошқарув органлари, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

16. Мазкур қўшма қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамизда қолдирамиз.

Навоий вилояти ҳокими

  
  
“14” ноябрь 2015 йил

Навоий вилояти Ички ишлар  
бошқармаси бошлиги

  
  
“14” ноябрь 2015 йил